

Ўш келмдсиз, монгол дўстлариниз! Монгол анд нөҳод тавтай морилно уу!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН
№ 127 (14.290).



Баҳоси 2 тийин.

Бугун Тош-
кентда совет
ва монгол ёш-
ларининг III дўстлик
фестивали очилади.



ЎЗБЕК ДИЁРИГА МАРҲАМАТ!

Р. АБДУЛЛАЕВА.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари

Бугун Тошкентда совет ва мўғул ёшларининг В. И. Ленин тутилган куннинг 100 йиллигига бағишланган III фестивали очилади. Совет ва мўғул ёшларининг биринчи дўстлик фестивали бундан уч йил аввал Олтой тоғларининг энг хушманзара жойларидан бири — Манжерокда, иккинчи фестивал эса 1967 йилда мўғул тупроғида — Суха-Батор ва Дархон шаҳарларида ўтказилган эди.

Тошкент фестивалида Совет Иттифоқи ва Монголия ёшлари кутарини руҳ билан тайёрландилар. Тошкентда Монголиянинг шаҳар ва аймоқларидан 150 дан анёд делегат келади. Тошкент фестивалида қатнашадиган совет делегацияси сафида аса барча иттифоқчи республикаларнинг, улуг Ватанимизнинг кўпгина ўлкалари ва областларининг вакиллари бор. Биз қадимий маданият ёлмаси, Совет даврида янада гуллаб-яшнаган ўлка ёшлари ушбу дўстлик, тинчлик ва ингерационализм байрамини тайёрлаш ва ўтказиш шарафига муассар бўлдик. Фестивалга қатнашадиган совет делегацияси 200 кишидан иборат бўлиб, улар орасида энг яхши ишчилар, студентлар, олимлар, санъат ходимлари, спортчилар, Совет Армияси хизматчилари, бадий ҳаваскорлик коллективлари бор. Оқтиб ёнрилоб ветеранлари, Халқин-Гол қаҳрамонлари, Даман орол қаҳрамонлари — шавкатли чеғарачиларимиз, бизнинг фахрли меҳмонларимиз бўлишади.

Дўстлик фестивалимиз В. И. Ленин таълифидан 100 йиллик тўли асосда ўтказилаётгани беиз эмас, чунки дўстлик Ленин совет ва мўғул халқлари дўстлигига асос солганлардан бири эди. Ушба вақтлардаёқ, Совет ҳукумати Монголияди революцияни таъриқлади ва Монголия Халқ Республикасини расман таниди. Ёш мўғул давлати учун Москвада 1921 йилнинг 5 ноябрыда имзоланган, икки халқ ўртасида дўстона муносабатлар ёриштириш ҳақидаги совет — мўғул шартномаси гоат муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу шартнома юзасидан Москвада Д. Суха-Батор бошчилигидаги махсус миссия — вакиллар музоараси олиб боришди.

Д. Суха-Батор миссиясини набул қилган В. И. Ленин ушба вақтда Монголиянинг халқаро ва ички аҳолига бажо бериб, мамлакатнинг капиталистик бошқичини сакраб ўтиб социализм сари ривожланиш истиқболлари ҳақида гапирган эди. Монголия халқ партиясини Лениннинг собик чека ўналарда капиталистик бошқичини сакраб ўтиб, социализм куриш мумкинлиги ҳақидаги таълимоти ямалий фаолиятида рўбга чинарди. Совет Иттифоқи Монголия га социализм куришда доимий ёрдам бериб келди ва бермоқда.

Жангларда тобланган дўстлигимиз ҳозир ҳам кўн сайин мустақамланмоқда. Дархон-дўстлик шаҳрининг курилиши бузилмас дўстлигимизнинг ёркини фидосидир. Ҳозирги вақтда юзлаб совет мутахассислари — геологлар, мединотлар, зоотехниклар, курувчилар мўғул қардошлари билан елкама-елка туриб, конлар излашмоқда, каналлар қазилмоқда, электр станциялар, қорқоналар, уй-жой бинолари курушмоқда.

Монголия революцион ёшлар Союзи (МРСМ) — социализмнинг моддий-техника базасини яратишда ва социалистик

жамият куришда тугаллашда партиянинг энг яхши ёрдамчиси.

Монголия қишлоқ хўжалигининг асоси — чорвачилидир. Кейинги йилларда иккинчи муҳим тармоқ — деҳқончилик ҳам ривож топди. Партия таърифи билан юзлаб ёш ревсомоллар — кўнчилилар кўрқ ерларни ўлаштиришга отландилар. Халқ Монголияни қисқа муддатда дон етиштиришни анча кўпайтирди ва ҳозир ўзининг дон ва унга бўлган эҳтиёжини тўла қондаришга қолмай, балки бу маҳсулотларни чет элларга ҳам экспорт қилмоқда.

Революциядан илгари фақат тўртта ўрта таълим мактаби бўлган, аҳолисининг бир неча процентини саводли бўлган Монголия ҳозир бутунлай саводхонлар мамлакатига айланди. Бу ерда ҳозир ҳар олти кишидан бири ўқийди. Ётти йиллик умумий таълим жорий қилинмоқда.

Ҳозирги навбатдаги фестивални ўтказишдан мақсад — социалистик ва коммунистик жамият куриш йўлидан бораётган, тинчлик, дўстлик ва умуминсоний тараққиёт учун курашадиган икки мамлакат ёшларининг бирдамлигини янада мустақамлашдир.

Фестиваль программаси жуда хилма-хил воқеаларга бой. 1 июнда «Пахтакор» стадионида фестивал қатнашчиларининг паради бўлади.

Республика «Билим уйи»даги Совет Мўғул ёшлари дўстлиги клуби — фестивал сиёсий-пропаганда ишларининг маркази бўлади. Клубда турли семинарлар, музоамма — мунозаралар, машхур кишилар билан учрашувлар, совет ва мўғул делегацияларининг Тошкент комсомоллари билан учрашув кеңеси ўтказилади. СССР ва МХР халқлари эришган муваффақиятлар, ВЛКСМ ва МРСМ фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатилди.

Дўстлик клубида ўтказиладиган нафосат нечасида таниқли совет ва мўғул шоирлари, ёзувчилари, артистлар, олимлар билан, мамлакатимизда билим олаётган мўғул студентлари билан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, космонавтлар билан учрашувлар бўлади.

Тошкент Олий партия мактабидида ўтказиладиган сиёсий семинарларда «Лениннинг ёшларга васияти — коммунизми ўрганиш», «Ленин ёшларини синфий олгани ошириш ҳақида», «Ленин — санъатнинг партиячилиги тўғрисида», «Ленин ватанпарварлик ва интернационал тарбия ҳақида» каби мавзуларда докладлар қилинади. Семинарларда Москва ва Тошкент олимлари сўзга чиқадилар.

Шунингдек, курашадиган Вьетнам халқи билан бирдамлик куни ўтказилади. Делегатлар Тошкент обласининг кўнхозларига чиқиб, Вьетнам фонди учун ишлайдилар. В. И. Ленин майдонидида қаҳрамонлар хотирасига намоиш ўтказилиб, кейин ўртоқлик мазорларига гулчамбарлар қўйилади.

Фестиваль кунларида Монголия ёшлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёшлари ҳаёти билан танишадилар.

Ишончимиз комилки, ушбу фестивал совет — мўғул халқлари дўстлигининг, марксизм-ленинизмга содиқлигининг яна бир ёркин намоишига айланади.



Совет ва монгол ёшлари дўстлиги умимий фестивали қатнашчиларининг Тошкент аэропортида кутиб олиш. И. Глауберзон фотоси.

Дашдэвэгийн СЭНГЭЭ
монгол шокири

ВАТАН

Чўлланинг чиройли, ўтлоқларинг сод,
Дарёларинг оқар соф нумушисини.
Яшма арчазорлар яшнар қипу ёз
Севамай барчасини, жон Мўғулустини!

Узоқ ўлкаларни кездим неча бор,
Айиб дийрлардан ўтдим қадамлаб.
Аммо, тетапоз юрганни илж бор —
Муҳаддас тупроғинг қўмсар ҳар дам қалб.

Аждодим юртиса, қадимий, улуг,
Отам ҳам ёшнини сенда яшаган.
Сенинг қўшигингга ўхшаш қўшиқ йўқ,
Назидида дийр йўқ сенга ўхшаган!

Авлоду аждодлар кура
Муаллам бахт қасри кура олдиқ биз.
Авлоду аждодлар кура олдиқ биз.
Салдат йўлдан юра олдиқ биз!

Ягона ҳам иноҳ, тўнғ оилада
Мўғул эли яшар бахтиёр ва ҳур.
Тенглик ва тотувлик — бари жойида,
Юртим, шу бахт ҳақи, сенга тапаккур!

Сен билан ҳар ерда фахр этарман,
Мен учун муқаддас зарра тупроғинг.
Сен билан ҳамкордир, жонанжон
Ватан, —
Улут Совет юрти — сулганг тоғинг!

Фарзандларинг юртим, жўшқин,
бундкор,
Сени деб тайёрдир қирмоқда ўтга.
Мен ҳам лозим бўлса, тап тортмай
этиқор
Жопмин ҳам бергум сен — ола юртга!

Сени қалбим билан севдим, жонанжон,
Истиқболни порлоқ жон Мўғулустини!
М. РАҲМОНОВ таржимаси.

ТОШКЕНТ-ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ПОЙТАХТИ

Ўзбекистонга катта шодона байрам келмоқда—республикада совет ва монгол ёшларининг умимий традицион дўстлик фестивали ўтказилмоқда. Бу фестивал совет-монгол дўстлигининг яқиндаги ва таъкилотчи—Владимир Ильич Ленин тутилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда.

Ўзбекистон пойтахтининг кўчалари, майдонлари ясанган. Улкан транспарантларда Ильич сурати бор қизил беорқ тасвири — бу азаматчи Советлар мамлакатини Ленинни Коммунистик Ёшлар Союзининг қиллион миллион аъзолари ифтихор билан кўкракларига тақиб юрадилар. Унинг ангинасида ана шундай транспарантда беш қиррали юлдуз, бу юлдуз қиқиб келадиган кўш нурда чарқлаб турибди. Бу — озода Монголия Революцион Ёшлар Союзининг эмблемаси.

«Улут Лениннинг номи абадий яшайди», «Лениннинг номи ҳар биримизнинг қалбимизда, партияга содиқлигимизни амалда кўрсатамиз», «Пролетар интернационализм байроғини баланд кўтариш» байрамда қатнашадиган барча кишиларнинг самимий ҳис-туйғулари монгол, рус ва ўзбек тилларида ёзиб қўйилган ана шу шоирларда ифоделанган. СССР ва Монголия Коммунистик Ёшлар Союзлари ўзларининг қаҳрамонликлари ва меҳнат жасоратлари учун олган ордонларнинг тасвири хамма ерда кўрасиз.

Тошкент меҳнатқиллари фестивалда қатнашадиган совет ёшларини мамнуният билан кўтиб ол-

ди. Ўзбекистон областларининг делегациялари билан бирга дўстлар билан учрашгани қардош иттифоқчи республикалар комсомол таъкилотларининг вакиллари ҳам келишди. Меҳнат қаҳрамонлари, ёш олимлар, студентлар билан биргаликда ёш артистлар, мамлакатимизнинг машхур ёшлар икжодий коллективлари, спортчилар ҳам фестивалда қатнашадилар.

Фестивалнинг фахрий меҳмонлари орасида Даманский оролидаги жангларда мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатган шавкатли чеғарачилар бор. Меҳмонлар орасида комсомол ветеранлари бор. Фестивалда ВЛКСМ Марказий Комитетининг, иттифоқдаш республикалар комсомол таъкилотларининг раҳбарлари қатнашмоқда.

31 май кунини тушдан кейин Ўзбекистон пойтахтининг юзлаб йиғит ва қизлари, иттифоқдаш республикалар ёшларининг вакиллари монголиялик меҳмонларни кутиб олгани аэропортида тўпландилар. Аэропортига Тошкентда таълим олаётган монголиялик студентлар ҳам келишди. Колонналар устида гуллаб-яшнаган кўпчи, гўё улар яшнар турган гулхонани кўтариб турганди. Монголия Халқ Республикасини, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари шабадада хиллаб турибди. В. И. Ленин ва Суха-Батор портретлари кўзга ташланб туради.

Монголия вакиллари тушган самолёт келиб тўтгайди. Меҳмонлар орасида Монголия Революцион Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ч. Пуревжав ҳамда Революцион Ёшлар Союзининг бошқа раҳбарлари, ёш ишчилар, ератлар, фан ва маданият арбоблари, Революцион Ёшлар Союзи ветеранлари бор.

Монголиялик меҳмонларни совет дўстлари бағирларига босадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мухомедов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Тоссуев, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаев, қардош республикалар комсомол таъкилотларининг раҳбарлари меҳмонларни самимий таъриқладилар.

Митинг бошланди. Митинг қатнашчилари фестивалнинг катта аҳамияти, ҳар икки мамлакат ёшлари Ленин юбилейини муносиб кутиб олашга тайёрланганликлари тўғрисида гапирдилар.

Ёшлик байрами, ёшларнинг дўстлиги ва бирдамлиги байрами меҳмондўст ўзбек дийри буйлаб қадам ташлайди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОРАҚЎЛЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика қоракўлчилари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бериб ва В. И. Ленин тутилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, ўтган чорва ишловининг қийин шароитларида қарам қоракўл тайёрлаш йилини планнинг муддатидан олдин бажардилар. Териларнинг 86 проценти давлатга биринчи навлар билан, шу жумладан 23 проценти жанетбон навлар билан топширилди.

Сирдарё ва Самарқанд областларининг қоракўлчилик хўжаликлари ҳар юз бош совиқдан 116 қўн ва Қашқадарь областининг қоракўлчили

хўжаликлари ҳар юз бош совиқдан 109 қўн олиб, насл олиш соҳасида яхши натижаларга эришдилар.

Сирдарё областидаги ихтисослаштирилган қоракўлчи Ферриш райони совхозларининг меҳнатчилари юксак нурсаткичларни қўлга киритдилар. Одатдан ташқари қаҳратон ва узон давом этган қиш шароитида қўнлар билан мутахассисларнинг юксак даражада ушшоқлиги ва фидонорона меҳнати туфайли шу район совхозлари қўнларнинг 99 процентини омон санлаб қолдилар ва ўзлаштириш кампаниясини республикада энг яхши натижалар билан тугалладилар. Ҳар юз бош со-

лиқдан 130 қўзи олинди, боқиш учун қўзи қолдириш плани 122 процент бажарилди, қоракўл етиштириш плани 125 процентдан ошириб адо этилди.

Нурота, Топди ва Қонимех районларининг чоракорлари, «Қизилқум», «Чилқўрғон», «Фориш», «2-Қўшрабат», «Нурота», «Қонимех», «Ғузора», «Қоракум», «Шофирқон», Оқунбобоев номи совхозлари ва бошқа хўжаликлар ҳар юз бош совиқдан 120 дан ошириб қўзи олиб, қоракўл етиштириш ва топшириш планини муваффақиятли бажардилар. Республика илгор қўнларни бу ғалабага улкан ҳисса қўшдилар. Улар орасида «Ғозғона совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев, Қашқадарьдаги «Большевик» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жўра Хужамуродов, «Қизилқум» совхозидан Жаъфар Асқомов, «Фориш» совхозидан Усмон Жўрабоев ва энг кўп қўзи олган бошқа илгорлар бор.

Республиканинг илхоз ва совхозлари ўз имониятларини чамалаб кўриб, давлатга пландан ташқари бир неча юз минг қоракўл тери топширишга қарор бердилар. (ЎзТАГ).

А. Н. Косигин Москвага қайтиб келди

РАВАЛНИНДИ. 31 май (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиса А. Н. Косигин, Покистон Президенти генерал А. М. Яҳхон билан дўстона фикрлашиб олоқ учун Покистонга қилган визитини таъминлаб, бугун самолётда Ватанига қайтиб келди. СССР ва Покистон давлат байроқлари билан безатилган Чақчал аэродромда Совет ҳукуматининг бошчилигида Покистон Президентини генерал Яҳхон, ҳарбий маъмурият кенгашининг аъзолари генерал-лейтенант А. Хамидхон, авиация маршали Нурхон ва вице адмирал М. Ахсан

ҳамда бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Аэродромда фахрий қорувул саф тортиб турди ва Совет Иттифоқи билан Покистоннинг тинчликни яқинлаштириш айтилди.

СССР Министрлар Советининг Раиса А. Н. Косигин 31 майда Москвага қайтиб келди. А. Н. Косигинни Внуково аэродромидида А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, Ю. В. Андропов, И. В. Капитанов, М. С. Соломенцев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

ГДР Л И К МЕҲМОНЛАР

ГДР олий ва ўрта махсус таълим министри профессор Э. Гасман бошчилигидаги Германия Демократик Республикасини Олий мактабни ҳодимлари делегацияси Тошкентга келди.

31 май кунини меҳмонлар Ўзбекистонга келган биринчи кунда уларни Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов қабул қилди. Делегация шу кундан В. И. Ленин номи Тошкент давлат университетидида бўлди. (ЎзТАГ).

